

9-20-2019

SUPERVISION METHOD IN TRAINING A SPECIALIST OR THE ROLE OF METHODOLOGICAL COOPERATION (on the example of foreign language and literature specialty)

Nilufar Isakulova Doctor of pedagogical sciences
UzSWLU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Isakulova, Nilufar Doctor of pedagogical sciences (2019) "SUPERVISION METHOD IN TRAINING A SPECIALIST OR THE ROLE OF METHODOLOGICAL COOPERATION (on the example of foreign language and literature specialty)," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 45.

DOI: 10.36078/987654369

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss3/45>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Нилуфар Исакулова

Педагогика фанлари доктори, ЎзДЖТУ

МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШДА СУПЕРВИЗИЯ МЕТОДИ ЁКИ МЕТОДИК ХАМРОЎЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ (Хорижий тил ва адабиёт йўналиши мисолида)

АННОТАЦИЯ

Мақолада инглиз тили бўйича мутахассис тайёрлашда супервизия методидан фойдаланиш масаласи ўрганилган. Супервизия таълимнинг умумий методлари ҳисобланиб, унда мутахассис ўз ишини сир сақлаган ҳолда тавсифлаш ва таҳлил қилиши мумкин бўлган, икки мутахассиснинг ҳамкорлиги маъносини англатади. Унинг мақсади мижознинг талабига яхшилаб жавоб бериш учун мутахассисга ёрдам беришдан иборатлиги эътиборга олинган. Бунда чет тилини ўқитиш методикасида супервизия методидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, супервизия тушунчаси, мақсади, турлари ва вазифаларини таҳлил қилиш, супервизия даражаларини ўрганиш, супервизия даражаларини эгаллаш учун инглиз тилини ўрганиш шакллари, методлари ва воситаларини таҳлил қилиш, мутахассиснинг супервизия шаклларида индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иштирок этиши бўйича тавсиялар бериш назарда тутилган. Супервизиянинг бирга бир, жамоавий, расмий бўлмаган ва танқислик каби турлари мавжудлиги ҳам таъкидланган. Шунингдек, супервизия даражаларининг эгалланишида инглиз тилини ўрганиш шакллари, методлари ва воситаларидан биргаликда фойдаланиш бўйича тавсиялар ҳам берилган.

Калит сўзлар: мутахассис, супервизия, супервизия даражалари, супервизорлик жамоаси, супервизия шакллари, супервизия турлари, коучинг, коучинг супервизия.

Nilufar Isakulova

Doctor of pedagogical sciences, UzSWLU

SUPERVISION METHOD IN TRAINING A SPECIALIST OR THE ROLE OF METHODICAL COOPERATION (on the example of foreign language and literature specialty)

ABSTRACT

The article discusses the usage of supervision methods in training the English language experts. Supervision is one of the general training methods, which means collaboration between two experts who can privately describe and analyze the work with a specialist. Its aim is to assist the specialist to respond to client's needs. Methods of teaching a foreign language include the study of the method of supervision, the analysis of the concept, purpose, types and functions of supervision, the study of the supervision's degree, analysis of the forms, methods and means of learning English during observation, as well as the recommendations on individual, group and team participation in forms of supervision. There are the following types of supervision, such as individual, collective, informal and insufficient. It also provides guidance on how to use forms, methods, and tools for learning English at the supervision level.

Key words: specialist, supervision, level of supervision, supervision team, forms of supervision, types of supervision, coaching, coaching supervision.

КИРИШ

Глобализация жараёни тезлашган сари чет тилини ўрганиш замон талаби бўлиб бормокда. Бугун ҳар қандай соҳада яхши бир мутахассис бўлиш учун инглиз тилини билиш оддий талабга айланиб қолди. Инглиз тили структурасида талаффуз, грамматик қурилиши ва луғат таркибида рўй бераётган жараёнлар асосида мутахассиси аслият ва таржима тилларини мукамал эгаллаши билан бирга инглиз тилининг халқаро стандартлари, дастурлари, маданияти, менталитети, фан ва технологиянинг сўнгги ютуқлари ва соҳа борасидаги инновацион ғояларни чуқур ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Инглиз тилини профессионал мулоқот воситаси сифатида лингводидактик жиҳатдан тадқиқ қилишга қаратилган илмий ишлар ҳар қанча кўп бўлмасин, мутахассисликка оид тилни тизимли таърифлаш муаммоси етарлича ўрганилган, деб бўлмайди. “Бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш” каби муҳим вазифалар белгиланди [1]. Чет тили ёрдамида талабаларга тили ўрганилаётган мамлакатларнинг миллий тили ва маданиятини ўргатиш ва уларни табиий мулоқотга тайёрлаш орқали ахборот алмашиш малакаларини ривожлантиришда бир томондан, тили ўрганилаётган мамлакатнинг нафақат тарихи, давлат тузилиши, шу билан бирга миллий маданияти ҳақидаги ахборотлар берилса, иккинчи томондан, хорижий тиллардаги матнларни ўқиш жараёнида хос сўз (реалия)лар, яъни муқобилсиз тил бирликлари, фразеологик бирикмалар, афоризмларини таржима қила олиш, нутқ маданиятидан нутқий мулоқотда фаол ва эркин фойдаланишга ўргатилади.

МАҚОЛАНING МАҚСАДИ

“Хорижий тил ва адабиёт” йўналиши инглиз тили мутахассисини тайёрлашда супервизия методидан фойдаланишни ўрганишда ва вазифалари мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланди:

чет тилини ўқитиш методикасида супервизия методидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш;

супервизия тушунчаси, мақсади, турлари ва вазифаларини таҳлил қилиш;

супервизия даражаларини ўрганиш;

супервизия даражаларини эгалланишида инглиз тилини ўрганиш шакллари, методлари ва воситаларини таҳлил қилиш;

коучинг ва супервизиянинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилиш;

коучинг ва унинг сессиялари тўғрисида маълумот бериш;

коучинг турларини ўрганиш;

коучинг супервизия амалиёти билан таништириш;

коучинг супервизия амалиётида мутахассис-мураббийларга маслаҳатлар бериш ва улар ёрдамларини таҳлил қилиш;

мутахассиснинг супервизия шаклларида индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иштирок этиши бўйича тавсиялар бериш.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Чет тилни ўқитиш методикаси билан шуғулланган тадқиқотчилар фикрича, чет тили таълим олувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо қилади. Олий таълимда тилни ўқитишнинг замонавий тизими муайян мақсадга йўналган ўқув жараёни иштирокчилари – талабалар билан демократик принциплари мулоқотга эга ўқитувчилар ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Мазкур тизим қуйидагилардан иборат:

- тил ўқитиш мақсади ва вазифаси;
- ўқув материали мазмуни;
- ўзлаштириш қонунияти;
- тилни ўқитиш технологияси, ташкилий шакллари, восита ва методлари [3].

Ҳозирги замон чет тилини ўқитиш методикаси, бу – методик илмий англаш воситалари, усуллари, методик тушунчаларнинг ўзаро алоқадор мантикий тизимидир. Шунингдек, ишчи фаразларни синондан ўтказувчи экспериментал база. Бунда методикани ўқитишнинг муҳим мақсади (нима учун ўқитиш?), мазмуни (нимага ўқитиш?) ва технологияси (қандай ва нима ёрдамида ўқитиш) ташкил этади. Шу билан бирга ўқитиш жараёни иштирокчилари билан боғлиқ муаммолар, яъни ўқитувчи (фанни ким ўқитади?) ва таълим олувчи (фанни ким ўрганади?) фаолиятини ҳам таҳлил қилади [5]. Шунингдек, инглиз тили бўйича мутахассис тайёрланишида супервизия методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Супервизия – таълимнинг умумий методлари ҳисобланиб, мутахассис ўзининг ишини сир сақлаган ҳолда тавсифлаш ва таҳлил қилиши мумкин бўлган, икки мутахассисларнинг ҳамкорлиги маъносини англатади. Унинг мақсади мижознинг талабига яхшилаб жавоб бериш учун мутахассисга ёрдам беришдан иборат ҳисобланади. Супервизиянинг бирга бир, жамоавий, расмий бўлмаган ва танқислик каби турлари мавжуд. Супервизорлик жамоасининг ишлаш услублари:

- энг содда ва кенг тарқалгани – жамоавий муҳокама;
- ролли ўйин;
- жамоада жуфтли супервизия;
- “Милан мактаби” оила психотерапияси тамойилли бўйича супервизия;
- “Аквариум” тамойили бўйича супервизия.

Супервизия даражалари супервизиянинг мақсадини англатиб, касбий тайёргарлик даражаси билан ўзаро муносабатда бўлади.

Супервизиянинг *биринчи (таянч) даражаси* – зарур шахсий-касбий сифатларни ривожлантириш, ишлаш услуби ва йўналишини танлашдаги раҳбарлиги бўйича супервизия шахсий-касбий ёрдам ҳамда касбий ва ўзига ишонччи ошириш мақсадида ёш мутахассисга берилган малакали мутахассиснинг маслаҳат ва ёрдами сифатида белгилаб беради. Мазкур даража мутахассиснинг диплом олишига қадар ўқув жараёни асосида амалга оширилади.

Супервизиянинг *иккинчи (сертификатли ёки ҳужжатли) даражаси* – супервизия амалиётчиларининг ишлаш услубини коррекциялаш кўрсатмасидан фойдаланиш бўйича малака ошириш шакли сифатида белгилаб беради. Мазкур даража йўналиш бўйича ҳам назарий, ҳам амалий методологик тажрибага эга бўлган мутахассислар билан учрашувларда амалга оширилади. Шунингдек, му-

тахассис қийинчиликлари ва хатолари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар муҳокама қилинади [Кулакова С.А., 2004].

Супервизия даражаларини эгаллашда инглиз тилини ўрганиш шакллари, методлари ва воситаларидан биргаликда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўларди. Яъни, инглиз тили бўйича мутахассис тайёрлаш касбий тайёргарлик даражаси билан ўзаро муносабатда бўлади (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Супервизия даражалари асосида касбий тайёргарлик

№	Супервизия даражалари	Жараён	Инглиз тилини ўрганиш шакллари, методлари ва воситалари		
			Шакл	Метод	Восита
1.	Биринчи (та-янч) даражаси	мақсадни аниқ белгилаш	аудиторияда	такрорлаш, машқ бажариш	компьютер, смартфон, ўқув адабиётлари, видео, аудио, эссе ёзиш
			аудиториядан ташқари машғулотларда	такрорлаш, машқ бажариш	
			мустикал таълимда	ёд олиш, жумла ичида қўллаш	
		тил ўрганиш жараёнини ҳаёт тарзингизга мослаш	ўқув курсларида ўқитиш амалиётида	мулоқот қилиш	
2.	Иккинчи (сертификатли ёки хужжатли) даражаси	инглиз тилини ўрганиш дастурлари	ОООК	онлайн машқ бажариш	компьютер, смартфон, электрон ўқув адабиётлари, видео, аудио, субтитрли кўрсатув, скайп
		қизиқарли сайтлар	фонетика	тест	
		ВВС курслари	грамматика		
		беул иловалар	инглиз тили	топширик ва тестлар	
		ўқув адабиётларини ёзиш	инглиз тили даражалари учун		
		илмий тадқиқот ишларини олиб бориш	БМИ, МД, ДД (PhD), (DSc)		
		носителлар ёрдамида	чтение	луғат	

Мутахассис супервизия шаклларида индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иштирок этиши мумкин (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

Супервизия шакллари ва турлари

№	Супервизия шакллари	Супервизия турлари	Супервизия мазмун ва моҳияти
Супервизия шакллари			

1.	кундузги супервизия	вақтинча (шошилинч ёки муддатли)	супервизия ва мутахассиснинг ўзаро муносабатида супервизорга ишонч билдириш, ўқитишнинг маъқуллиги ҳамда вақт кам сарфланиши
		маконга оид (ички ёки ташқи)	
		шахсий	
2.	кундузги жамоавий супервизия		супервизия маслаҳатида жамоавий муҳокамага эҳтиёж билдирилади
3.	сиртки супервизия		мутахассиснинг супервизорга индивидула, оилавий ёки жамоавий ишлари бўйича материалларни тақдим қилади. Маъруза, битта сессия, аудио ёки видео натижа сифатида топширилади
4.	сиртки-кундузги супервизия		супервизор гуруҳининг қўшни хонадаги мутахассис ишини кўзгу ойна орқасидан кузатиб турилади. Телефон ёрдамида қийинчиликлари ва хатолари тўғрисида суҳбатлашиб туради. Супервизор гуруҳи супервизияни ўтказиш билан биргаликда таклифлар ва хулосаларни ҳам ишлаб чиқишда иштирок этади

Супервизор – мутахассисга касбий маслаҳатлар берувчи ва супервизияни олиб боровчи малакали мутахассис ҳисобланади. Супервизорнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўргатувчи вазифаси – мутахассиснинг қобилияти, тушунчаси, кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

2. Қўллаб-қувватловчи вазифаси – мутахассиснинг салбий муносабат кечинмаларига ёрдам кўрсатиш.

3. Маслаҳат берувчи вазифаси – мутахассиснинг иш жараёни ва иши бўйича муаммоларни ўрганиш.

4. Кундузги экспертлик вазифаси – супервизор шартномасида шакллантирилган мақсадга эришилганини назорат қилиш.

5. Маъмурий вазифаси – таълим муасасаси стандартига мутахассис ишини мослаштириш.

6. Менежерлик вазифаси – турли мутахассислардан иборат супервизорлик гуруҳининг мутахассисга ҳар томонлама ёрдам беришни амалга ошириш [6].

Коучинг биринчи бўлиб спорт соҳасида пайдо бўлди, лекин аста-секинлик билан менежмент, яъни бошқарув ва бизнес соҳасида пайдо бўлди. Коучинг – дарслари жараёни давомида, корхонанинг энг юқори коэффицентли муваффақиятига эришиши, жамоанинг ҳар бир аъзосининг юқори даражадаги салоҳиятини ўрганиб чиқишга, жамоани тўғри бошқариш йўллари ва бошқа натижаларга эришишга ёрдам беради.

Коучингни эса қўллаб-қувватловчи бир атроф-муҳит деб номласак ажаб эмас. Ушбу атроф-муҳитда коучлар, корхонанинг келажагини тасаввур этган ҳолда, тартибий режасини тузишади. Бугунги кунда эса, корхоналарнинг мақсадлари кундан кунга жиддийлашиб бормоқда, ва сиз коучлар билан ўтказган ҳар бир дақиқангиз,

бу ерда ва айнан ҳозир салмоқли натижаларга олиб келишини талаб қилишингиз зарур. Коучинг – мижозлар билан муаммонинг ечимини топишга қаратилган консультация ёки таълим жараёни. Коучинг мижознинг мақсадларини англашида аниқлик тизимини яратишга хизмат қилади, шу тариқа мижоз ўзининг асосий мақсади, унинг узоқ муддатли мақсадлари билан боғлиқлиги ва уларга эришиш йўллари аниқлаб олишига ёрдам беради. Шу билан бирга коучинг бу муаллиф позициясида турган мижозга психологик ёрдам [7; 136].

Психологик ёрдамни коучингга ўхшатиш албатта нотўғридир. Яъни, таълим олувчининг асосий талаби даъво эмас, балки таълим эканлигини унутмаслик лозим. Коучинг иштирокчилари, шакли, услуби, услубининг мақсади, моҳияти, тур ва йўналишлари айнан ҳаракатлар режасида намоён бўлади (3-жадвалга қarang):

3-жадвал.

Коучинг ва унинг технологияси

№	Коучинг технологияси	Коучинг технологияси моҳияти
1.	Коучинг иштирокчилари	шахсий, корпоратив
2.	Шакли	кундузги, сиртки
3.	Услуби	кўп нарсага эришган ва ундан ҳам кўпроқ нарсага эришишни хоҳлаганлар билан ҳаётнинг турли соҳаларидаги кенг қамровли масала ва муаммоларни ечиш учун фойдаланилади
4.	Услубнинг мақсади	шахсни, унинг персонал ва касбий фаолиятида натижавийлигини максимал кўтаришдан иборат
5.	Услубнинг моҳияти	салоҳиятни очишга мўлжалланган қуролдир
6.	Коучинг босқичлари	– коучинг мақсадини аниқлаш; – жорий вазиятни таҳлил қилиш; – мақсадга эришиш йўллари аниқлаш; – ҳаракалар режасини тузиш; – режани жорий этиш жараёнида назорат ва қўллаб-қувватлаш.
7.	Услубнинг устунлиги	– унинг мобиллиги; – жойнинг географиясига боғлиқ эмас; – яккама-якка, гуруҳли
8.	Коучинг тамойиллари	– ўз-ўзини такомиллаштириш; – англанилмаган эҳтёжлар; – ўзгаришлар; – йўналиш ва руҳланиш; – енгил; – муаммоларни ечиш; – тажриба
9.	Коучинг кўринишлари	– ҳунарли коучинг; – бизнес-коучинг; – шахсий самарали коучинг; – лайф-коучинг

10.	Коучинг йўналишлари	<ul style="list-style-type: none"> – ҳаракат коучинглари; – натижага йўналтирилган коучинг; – когнитив ҳаракатли коучинг; – НЛП коучинг; – трансперсонал коучинг; – интегратив коучинг; – маданиятаро коучинг; – антистресс коучинг; – тизимли коучинг
-----	---------------------	---

Коучинг тушунчасининг жуда кўплаб ёритилган турлари мавжуд: Коучинг – инсонга исталган мақсадларига эришишда роҳатланиш олиб келадиган муҳитни яратишдан иборатдир [7; 139].

Раҳбар учун мутахассисни тайёрланишида коучинг замонавий мутахассис ва рақобатбардош мутахассисни шакллантириш ва уни такомиллаштириш, касбий компетенцияларини ривожлантириш, шахсни бошқариш, самарали ташвиқот, қимматли стратегия ва бошқалар инobatга олинади. Бунда коучингнинг куйидаги турларига эътибор бериш лозим:

Ҳунарли коучинг – касбий компетентларни, компетенцияларни баҳолашни, ҳунарни режалаштириш бўйича маслаҳат бериш, ривожланиш йўлини танлашни, иш излашда ҳамроҳликни ва ҳоказоларни ўз ичига олагн ҳунарли маслаҳат бериш деб аташади.

Бизнес коучинг – бизнесни ривожлантириш ва ўсиши, шунингдек, мотивацияни кўтариш бўйича мутахассис билан одамни, унинг талабларига мос равишда зарур натижа олгунга қадар қўллаб-қувватлаш ва қузатиб боришда ифодаланадиган мижоз орасида касбий ўзаро муносабатда бўлиш тизимидир.

Шахсий самарали коучинг – ўйинчини руҳлантириш, энергия билан тўлдириш, унга ўзини-ўзи ривожлантиришга ҳамда унинг унумдорлигини ривожланишига ёрдам бериш саънати ва амалий кўникмасидир.

Лайф-коучинг – персонал ривожланиш бўйича мутахассис билан одамни, унинг талабларига мос равишда зарур натижа олгунга қадар қўллаб-қувватлаш ва узатиб боришда ифодаланадиган мутахассис орасида касбий ўзаро муносабатда бўлиш тизимидир.

Коучинг супервизия амалиётида мутахассиснинг мураббийлик вазияти ва ундаги муносабатлар, мутахассис учун хавфсиз жойни таъминлайди. Барчамизга маълумки, мураббий олий ўқув юртидаги профессор-ўқитувчисининг касбий роли, унинг талабаларни таълим олаётган кишилар сифатида педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ касбий вазифадир. Бинобарин, мураббийлик ҳатто катта ёшдаги кишиларга ҳам кўрсатса бўладиган даражадаги педагогик қўллаб-қувватлашни назарда тутаяди. Бироқ олий ўқув юртида таълим олиш жараёнида бундай қўллаб-қувватлаш талабанинг ҳаётга жалб этилишининг турлича даражаларида намoён бўлиши мумкин. Масалан, талабанинг биринчи курсда ўқиш шароитларига кўникиб кетиши учун ёрдам беради, талабанинг турли вазиятларида маслаҳат беради ва ҳ. Коучинг супервизия амалиёти

мутахассис-мураббийлар касбий ўсишга ҳисса қўшади, кучли ва ривожланиш зоналарини аниқлаш имконини беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, супервизорнинг вазифаларидан ўрнатилган тартибда фойдаланиш хорижий тилларга ўқитиш методологияси, лингводидактикаси ва технологияси такомиллашувига хизмат қилади. Лингводидактика тил(лар)ни ўргатиш назариясининг умумий қонуниятларини ишлаб чиқиши тилни ўрганишнинг методологик асосини изоҳлашда тил таълимининг мақсадлари, мазмуни, методлари, принциплари, воситаларини назарий жиҳатдан таҳлил қилади. Шунингдек, чет тилини ўқитишда замонавий лингводидактиканинг тенденциялари чет тилини ўқитиш мақсади, методологияси прагмалингводидактикадан иборатлиги мутахассис шаклланишига ва ривожланишига имкон беради. Ўқитиш методологияси эса инглиз тили ўқитиш методикасининг назарий асосларини, инглиз тили нутқ фаолиятининг асосий турлари (тил материални ўргатиш, нутқ фаолияти турларини ўргатиш) ҳамда инглиз тили ўқитиш жараёнини ташкил қилишга хизмат қилади. Ўқитиш технологияси талабаларда таълимнинг тамойил, метод, воситаларини самарали ижодий қўллаш, малака-кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда лойиҳалаштиришни амалга оширади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2017 yil 22 dekabrda Oliy majlisga murojaatnomasi // Pravda vostoka, 2017 yil 23 dekabr. – № 248 (28706). – B. 2.
2. Kulakova S.A. Superviziya v psixoterapii. Uchebnoye posobiye dlya supervizorov i psixoterapevtov. – SPb., 2004. Elektronniy resurs: <https://cyberleninka.ru/article/n/superviziya-kak-veduschiy-metod-nauchnogo-menedzhmenta-v-podgotovke-aspirantov-1>. data obrasheniya: 23.01.2019.
3. Lingvodidaktika kak teoriticheskaya osnova obucheniya yazika. Elektronniy resurs: <https://works.doklad.ru/view/NRkF6riOieo.html>. Data obrasheniya: 19.04.2019.
4. Kouchingovaya superviziya: 12 prichin dlya yeyo proxojdeniya. Elektronniy resurs: <http://www.coach-rus.org/kouchingovaya-superviziya-12-prichin-dlya-koucha-eyo-projti/>. Data obrasheniya 28.05.2019.
5. Sootnosheniye didaktiki, lingvodidaktiki i metodiki obucheniya inostrannim yazikam (N.D.Galskova). Elektronniy resurs: <https://studfiles.net/preview/5769616/page:6/>. Data obrasheniya: 19.04.2019.
6. Shukin Yu.V. Aktualnie problemi supervizorskoj praktiki. Elektronniy resurs: http://psy-journals.ru/cepp/issue/45364_full.shtml. Data obrasheniya: 23.01.2019.
7. O‘quv-uslubiy majmua. Amaliy psixologiyaning asosiy yo‘nalishlari. – Toshkent, 2018. – 248 b.